

Биродарлик

05:00 / 03.03.2017 7457

Билинг! Чиндан ҳам, улфатчилик чиройли хулқ мевасидир ва бўлиниш (тарқалиш, ажралиш) ёмон хулқ мевасидир, зеро чиройли хулқ ўзаро дўстлик ва келишувни вужудга келтиради. Ва ёмон-бадхулқлик эса бир-бирини ёмон кўришлик ва ўзаро зиддиятни туғдиради. Чиройли хулқдаги фазилатлар ҳаммага маълум (махфий эмас). Бунга далолат этувчи ҳадиси шарифларни зикр этамиз: Абу Дардо розийаллоҳу анҳудан ривоят этилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар: “Қиёмат кунида мўмин мезонида яхши хулқдан кўра оғирроқ нарса йўқ”. Имом Термизий ривоятлари ва бу ҳадисни саҳиҳ, дейдилар.

Бошқа бир ҳадисда айтилишича эса: “Қиёмат куни менга энг севимлигингиз ва менга мажлиси муқарраброғингиз ахлоқи чиройлироқ бўлганингиз ва қиёмат кунида менга энг ёмон кўринганингиз ва мендан мажлиси (яъни, ўтирадиган ўрни) энг узоқда бўладиганингиз хулқда ёмонроқ бўлганингиздир”. Пайғамбар алайҳиссаломдан нима кўпроқ одамларни жаннатга дохил этиши ҳақида сўралди. У зоти шариф жавоб бериб айтдилар: “Аллоҳга тақво ва чиройли хулқ”. Имом Термизий ва Ҳоким ривоят этишган.

Аmmo Аллоҳ таоло йўлида бир-бирига муҳаббат этиш ҳақида “Саҳиҳайн”да Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят этилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом: “Фақат Аллоҳ таолонинг сояси бўладиган кунда етти тоифа инсонларни Аллоҳ таоло ўз соясига олади”, деб қуйидаги одамларни ҳам санадилар: “Икки одам Аллоҳ йўлида бир-бирини дўст тутади ва дўстлиги туфайли бир-бири билан учрашади. Ва шу ўзаро дўстликда бир-бири билан хайрлашади”. Яна бир бошқа ҳадиси қудусийда Аллоҳ таоло айтади: “Менинг йўлимда бир-бирлари билан дўстлашганларга муҳаббатим ҳақ бўлди”. Имом Аҳмад ривоятлари. Бошқа бир ҳадисда қуйидагича келган: “Аллоҳ йўлида чин дўст бўлишлик ва Аллоҳ йўлида ёмон кўришлик иймоннинг мустаҳкам дастасидир”. Имом Аҳмад ривоятлари. Бу мавзуда бундан бошқа ҳадиси шарифлар мавжуд.

Билинг! Чиндан ҳам, киши Аллоҳ йўлида бир кишини дўст тутади, Аллоҳ йўлида ёмон кўради. Дарҳақиқат, сен агар бир инсонни Аллоҳга итоатли бўлганидан дўст тутсанг, бас, агар у Аллоҳга осий бўлса, сен уни Аллоҳ йўлида ёмон кўрасан, зеро ким бир сабабга биноан бир кишини дўст тутса, шу сабабнинг зидди бўлса, уни ёмон кўради. Кимда севимли ва макруҳ

хислатлар жам бўлган бўлса, бас, сиз уни бир сабабга кўра дўст тутасиз ва бошқа бир сабабга биноан уни ёмон кўрасиз.

Бир мусулмонни Исломи учун дўст тутишингиз лозим ва гуноҳ содир этгани учун уни дўст тутмаслигингиз зарур. Бас, сиз у билан жуда ҳам торлик ва жуда ҳам кенглик бўлмаган ўртача ҳолатда бўласиз. Аммо мусулмон биродари томондан бир хато содир бўлса ва ўз хатосига пушаймон бўлганини билса, шу вақтда унинг хатосидан кўз юмиб, уни беркитиб кетиш аъло-яхшироқ. Агар у биродари маъсиятда давом этса, ундан юз ўгириш ва узоқлашиш билан ёмон кўрганлик асарини изҳор этиш лозим. Гуноҳининг оғир ва енгиллигига қараб унга қаттиқ сўз айтади.

Билинг! Аллоҳ таолонинг амрига хилоф этишлик бир неча қисм бўлади:

Биринчи қисм – Аллоҳ амрига хилоф қилишлик билан кофир бўлиш. Агар у ҳарбий бўлса, у қатл ва асирликка мустаҳиқ этилади. Бу икки нарсадан ҳам кўра ихонат-тахқирлаш йўқ. Агар у зиммий (Ислом давлатида яшовчи бошқа дин вакили) бўлса, унга азият бериш жоиз эмас, илло ундан юз ўгирилади. Тор жойга кўчишга мажбур бўлиши уни таҳқирлаш бўлади ва биринчи бўлиб унга салом берилмайди, агар салом берса, унга жавобан “Ва алайка” (“Сенга ҳам”), деб айтилади.

Энг яхшиси унга аралаштириш, у билан муомалада бўлиш ва ҳамтовоқ бўлишдан четлашади. Дўст-биродарлар билан бўлгандек уларга кенглик ва очиқюзлик билан муомала этиш макруҳдир.

Иккинчи қисм – бидъатчи. Агар у бидъатга чорловчилардан бўлиб, у бидъат билан кофир бўладиган бўлса, унинг иши зиммийдан ҳам қаттиқроқ бўлади, зеро жия тўлашни иқрор этмайди ва кофирлик шартномасига илтифот кўрсатмайди. Агар у бидъатчи бидъати билан кофир ҳисобланмайдиганлар жумласидан бўлса, шубҳасиз, унинг иши ўзи ва Аллоҳнинг ўртасида бўлиб, кофирнинг ишидан кўра енгилроқ бўлади. Лекин унинг ишини инкор этиш кофирга нисбатан қаттиқроқ бўлади, зеро кофирнинг ёмонлиги кўп бўлмайди. Чунки унинг айтган сўзига илтифот этилмайди. Бидъатчи ўз бидъатига одамларни чорлашда даъват этаётган нарсасини ҳақ деб ўйлайди ва халқнинг адашишига сабабчи бўлади ҳамда унинг ёмонлиги беадад. Шунинг учун ҳам уни ёмон кўришликни изҳор этишлик, ундан узилишлик, унга дўст бўлмаслик, уни таҳқир этишлик, ундан нафратланишлик бидъати сабабли бўлиб, одамларнинг ундан қочиши шиддатли бўлади.

Аммо авом оддий бидъатчики, одамларни ўз бидъатига даъват этишга қодир бўлмайди ва унга эргашишликда хавф этилмайди. Унинг иши осон. Унга лутф билан насиҳат этиш аълодир, чунки авомнинг қалби тез ўзгарувчан бўлади. Агар насиҳат фойда бермаса, ундан юз ўгиришликда ўз

назарида бидъатининг хунуклигини билдиради. Уни яккалаб қўйишда фойда кўп. Агар табиатининг қайсарлиги ва ақидаси қалбида мустаҳкам ўрин олганлигидан булар фойда бермаслиги билинса, у вақтда ундан юз ўгириш аълодир. Чунки бидъатни ёмонлашда муболаға этилмаса, у халқ ўртасида тарқалиб фасоди оммалашади.

Учинчи қисм – этиқоди билан эмас, феъли билан осий бўлиш. Агар унинг осийлик феъли зулм этиш, босқинчилик қилиш, ёлфон гувоҳлик бериш, ғийбат, чақимчилик ва шу каби бошқаларга азият берадиган даражада бўлса, ундан юз ўгириш, у билан аралашни тарк этиш ва у билан муомала этишдан четланиш аълодир. Шу каби эркак ва аёлларни тўплаши ва фасод аҳлига маст этадиган ичимликлар асбобини муҳайё этишига ўхшаш фисқу-фасодларга даъват этувчи шахс ҳукми уни таҳқирлаш, у билан ҳеч қандай муомалада бўлмаслик ва ундан юз ўгириш лозим бўлади. Аммо бир шахс-одамнинг ўзи май ичиш, зино қилиш, ўғирлик билан шуғулланиш ёки фарзни тарк этиш билан фосиқлик қилса, унинг иши энгил, лекин шу ишларни қилаётган вақтда учратиб қолинса, уни бу ножўя ишлардан қатъий ман этиш вожиб. Агар насиҳат уни бу ишлардан қайтарадиган бўлса, унга насиҳат фойдали. Агар насиҳатнинг фойдаси бўлмаса, у вақтда унга қаттиқ сўзлар айтилади.

ДЎСТ ИХТИЁР ЭТУВЧИГА ШАРТ ЭТИЛГАН СИФАТЛАР

Пайғамбар алайҳиссаломнинг қуйидаги ҳадисларида шундай дейилади: “Киши дўстининг динида бўлади. Сизлардан бирингиз бир киши билан дўстлашишмоқчи бўлса, яхшилаб қарасин”, яъни унинг одоб-ахлоқи ва дин-диёнатидан хабардор бўлсин. Абу Довуд, Термизий, Ҳоким ривоят этишган.

Билинг! Ҳар бир киши суҳбатдош бўлишга ярамайди. Шунинг учун суҳбатдошнинг сифат ва хислатларини яхши билиш лозим бўлади. Шу сифатларга кўра у билан суҳбат қурилади. Шу хислатлар суҳбатдан исталган фойдаларга қараб шарт этилади. Бу хислатлар мол-дунё, мансаб, обрўлардан фойдаланиш каби дунёвий ёки мулоқот қилиб, сўзлашиб бир-биридан унс-улфатнинг ўзи бўлиши мумкин. Бу бизнинг ғаразимиз эмас. Ёки диний суҳбатдош бўлишдир. Суҳбатдошда турли ғаразлар жам бўлади. Масалан, суҳбатдошдан илм олиш ва унга амал этиш билан фойда топиш, қалбини қорайтириш, уни ибодатдан тўсиш билан унга азият етишидан ҳимоя топишда мансабдор суҳбатдошдан фойдаланиш, ризқ-рўз талабида вақтни ўтказишдан ўзини сақлашда суҳбатдошининг молиявий ёрдами билан кифояланиш суҳбат фойдасидан бўлиб ҳисобланади. Яна суҳбатдош фойдаларидан турли муҳим ишларни амалга оширишда ундан ёрдам талаб

этишдир. Суҳбатдош мусибатларда ҳимоя асбоби ва турли ҳолларда қувват манбаи бўлади. Яна суҳбатдош фойдаларидан бири қиёмат куни ундан шафоат кутишдир. Салафи солиҳларнинг баъзилари бундай деб айтганлар: “Дўст-улфатларни кўпайтириш талабида бўлинглар. Чиндан ҳам улар орасидан бир мўмин сизга шафоатчи бўлиши мумкин”. Бу фойдалар ҳар бир фойда шартига кўра бўлишига даъват этади.

Умуман олганда, ихтиёр этилган суҳбатдошда беш хислат мавжуд бўлиши лозим: суҳбатдош оқил, хушхулқ, фосиқ бўлмаслиги, бидъатдан узоқда бўлиши, дунёга харис бўлмаслиги.

Аммо чиройли хулқлилик зарур сифатдир. Зеро, баъзи оқилга ғазаб ғолиб бўлиши ёки ҳавойи нафсига итоат этувчи бўлиши мумкин. Бунинг суҳбатида фойда йўқ. (Оқил ўз сўзи ва феълида ҳақим бўлиши шарт этилади. У яхши сўз айтиши, солиҳ амал қилиши лозим. Ғазабкор ва шаҳватпараст оқил – оқил эмас. Ҳукамолардан бири айтади: “Одамларнинг энг аҳмоғи бўлма!” Ундан сўрашди: “Одамларнинг энг аҳмоғи ким?” Жавоб бериб айтди: “Одамларнинг энг ақллигиман, деб гумон этадиган одам энг аҳмоқдир”. Ундан яна сўрашди: “Инсонларнинг энг ақллиги ким?” Жавоб берди: “Жоҳилларни итоб этишда ҳаддан ошмаган одам”... – тарж.)

Аммо фосиқ Аллоҳдан қўрқмайди. Кимки ундан қўрқмаса, унинг алдовидан омонлик йўқ, унга ишонилмайди.

Бидъатчининг эса бидъати суҳбатдошига ўтишидан хавф этилади. Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу айтдилар: “Ростгўй биродарларни дўст тут! Уларнинг ғамхўрлиги остида яшайсан. Зеро, улар кенгчилик, саодат вақтида зийнат, бало-офат келганда ҳимоя асбоби. Биродаринг масаласини чиройли ҳал эт, келиб қолганда ундан ғазабланмайсан. Душмандан узоқда бўл, ишончсиз дўстдан эҳтиёт бўл! Аллоҳдан қўрққан киши ишончли бўлади. Фожир билан суҳбатдош бўлма. Фисқу-фужури сенга ҳам ўтади. Фожирни сирингдан огоҳ этма. Бир ишингда Аллоҳдан қўрқадиган инсонлар билан маслаҳатлаш!” Яҳё ибн Муоз айтадилар: “Дуо қилганигда мени ҳам эслагин, деб айтишинга муҳтож бўлган (мажбур қилган) дўст энг тубан дўстдир. У билан ё мураса қилиб яшайсан ёки унга доимо узр айтишга муҳтож бўласан!”

Бир жамоа (одамлар) Ҳасан ухлаб ётганларида ҳузурларига киришди. Улардан баъзилари уйда бўлган мевалардан тановул этди. Шунда Ҳасан айтдилар: “Аллоҳ сенга раҳм айласин! Аллоҳга қасамки, мана шу биродарларнинг феълидир (хушхулқидир)”.

Абу Жаъфар дўст-ёронларига айтдилар: “Сизлардан бирингиз қўлини дўстининг чўнтагига солиб, хоҳлаган нарсасини ундан олиши мумкинми?” Жавоб беришди: “Йўқ”. Шунда у киши айтдилар: “Сизлар ўйлаганингиздек

дўст-биродар эмассизлар!” (Абу Жаъфар бу жойда рост биродарлик қийматини баён қилиб беришни ирода этдилар. Ҳақиқий дўстлик ихлос билан бўлади. Солиҳ зотлар айтишди: “Дўстлар ўртасидаги биродарлик – бири иккинчисига қарата “Эй, мен!” деб айтмагунига қадар соф бўлмайди.) Ривоят этилишича, Фатҳ Муслиий бир куни Исо Томмор исмли дўстининг уйига келиб, уни топа олмади. Шунда унинг ходимасига қарата: “Менга дўстимнинг ёнчиғини олиб чиқ”, деб айтди. Ходима уни чиқариб берди. У ундан икки дирҳам олиб, ёнчиғни қайтариб берди, сўнг кетди. Исо манзилига келганда ходима унга бўлган воқеа хабарини берди. У бундай деди: “Агар сен сўзингда рост бўлсанг, озодсан”. Унинг ишини текшириб қараса, ҳақиқатдан ҳам у тўғри сўзлаган экан, озод бўлди.

ИНСОННИНГ ЎЗ БИРОДАРИ (УСТИДАГИ) ҲУҚУҚЛАРИ

Биринчи ҳаққи – унинг ҳожатларини чиқариш ва бажариш. Бунинг бир қатор даражалари мавжуд. Энг қуйиси шуки, қодир бўлишича биродари сўраган нарсани очиқ юзлилик ва хурсандчилик билан бериш.

Ўртачаси шуки, бирон-бир нарсани сўрамасдан олдин биродарининг ҳожатларини раво этиш.

Энг олийси эса эҳтиёжини тўла бажариш, унинг эҳтиёжларини ўзининг эҳтиёжидан муқаддам адо этишдир.

Салафи солиҳлардан бири дўстининг вафотидан қирқ йил ўтса ҳам, унинг аҳли аёли ҳожатларидан огоҳ бўлиб, эҳтиёжларини раво этган экан.

Иккинчи ҳаққи – баъзан сукут этиш ва гоҳо сўзлаш. Сукут этиш шуки, дўстининг айбларини у ҳозирлигида ва ғоиблигида зикр этишдан тийилади. (Агар ҳеч ким бўлмаса, унинг айбларини ўзига билдириш вожиб. Ҳадиси шарифда воридким: “Киши биродарининг кўзгусидир”. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят этилган.) Унга рад жавобини айтишдан, бефойда бахслашиш, тортишиш ва муноқаша этишдан тийилиш. Биродари билиниб қолишини истамайдиган ҳолатлардан савол этмаслик, унга йўлиққан вақтда “Қаерга кетяпсиз?” деб сўрамаслик, балки у бораётган жойини билдиришни истамас. Биродарининг сирларини, агар ўртага жафо тушса ҳам, сақлаш, унинг дўстлари ва аҳлини ҳақорат қилмаслик, у ҳақда ўзгаларнинг ёмонлашларини унга етказмаслик.

Биродари ёмон кўрадиган барча нарсадан сукутда бўлиш лозим бўлади, илло, агар амри маъруф ёки нахий мункар ишида сўзлаш вожиб бўлса, сукут этмайди. Биродарининг рўпарасида шундай туриш бир маънода унга яхшилик бўлади.

Билинг! Чиндан ҳам сиз барча айбу ноқисликдан пок инсонни талаб этсангиз, уни ҳеч қачон топа олмайсиз. Кимнинг яхшиликлари

ёмонликларига ғолиб бўлган бўлса – бу ғоядир.

Ибн Муборак айтдилар: “Мўмин киши узрларини талаб этади. Мунофиқ эса хато, янглишишларни истайди”.

Фузайл айтадилар: “Мард, деб биродарларининг хатоларини кечирган кишига айтилади. Дўстинг ҳақида ёмон гумон этишни тарк этиш зарур. Имконинг борича унинг феълени яхшиликка раво этиш лозим”.

Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: “Сизлар гумондан эҳтиёт бўлинглар! Зеро, чиндан ҳам гумон сўзларнинг энг ёмонидир”. Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.

Билинг! Дарҳақиқат, ёмон гумон нахий этилган жосусликка даъват этади. Чиндан ҳам айбларни беркитиш ва уларга бепарво бўлиш – дин аҳлининг сиймосидир.

Билинг! Ҳақиқатдан ҳам кишининг иймони ўзига яхши кўрган нарсани ўз биродарига ҳам яхши кўрмагунига қадар мукамал бўлмайди. Охират даражаларининг энг қуйиси – ўзига муомала қилинишида яхши кўрган нарсаси билан биродарига қилган муомаладир. Ҳеч шубҳа йўқки, сиз ўз биродарингиздан авратингизни беркитишини кутасиз. Ва ёмонликларингиздан сукут этишини тилайсиз, бас, агар шундан бунинг зидди зоҳир бўлса, сизга жуда қийин бўлади. Биродарингизга азму қарор этмаган нарсангизни ундан кутишингиз қандай бўлади?

Ўзингиз қилмаган инсофни ҳар қачон илтимос этсангиз, Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти остига кириб қоласиз: “Шундай кишиданки, одамлардан тортиб олишса, баробар этишади ва агар уларга ўлчаб беришса ёки тортиб беришса, озайтириб беришади” (Мутаффийн сураси, 2–3-оятлар). Авратни беркитиш ва беркитмасликда нуқсон ўрнини нафрат ва ҳасад кашф этади.

Билинг! Дарҳақиқат, биродарлар ўртасида бир-бирларини ёмон кўришлик ва ҳасад сабабларининг энг кучлиси ва таъсирлиси – бефойда ва ўринсиз тортишувдир. Инсон бундай торишувларга ўзининг фазилати ва ақли зиёдалигини бошқалар олдида изҳор этиш ҳамда бахс этувчини таҳқирлаш мақсадида киришади. Кимки ўз биродари билан бефойда бахслашар экан, уни жоҳил ва аҳмоққа чиқаради ёки гўё ўзи яхши билган мавзунини у биродари тушунмайди ва у ҳақида хато этди, деб ўйлайди. Бу ишларнинг барчаси биродарига нисбатан ҳақорат бўлиб ҳисобланади ва унинг ичида аччиқланишни келтириб чиқаради, ўртада эса душманликни юзага келтиради. Бу биродарликнинг зиддидир.

Тўртинчи ҳаққи – тил билан сўзлаш. Дарҳақиқат, биродарлик макруҳ нарсадан сукут этишни тақозо этганидек, маҳбуб нарсани унга сўзлашни талаб этади, балки бу нарса биродарликка хосдир, зеро кимки сукут билан қаноат этса, қабр аҳлига дўст бўлади. Биродарлик, деганда улардан

истифода этиш тушунилади, улардан халос бўлишлик ирода этилмайди, чунки сукутнинг маъноси азиятдан тийилишдир, бас, биродарига тили билан дўстлигини изҳор этиш лозим. Унинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиши, сўраб-суриштириши, шу сабабдан қалби у билан машғул эканлигини изҳор этиши, биродари хурсанд бўладиган ҳолатларда у ҳам ўз сурурини билдириши зарур.

Имом Бухорий ва Муслимнинг “Саҳиҳ”ларида Термизийдан ривоят этилган ҳадисда воридки: “Агар бирингиз ўз биродарини дўст тутса, бас, дўст-биродарлигини унга билдирсин”, яъни “Мен сизни Аллоҳ йўлида дўст тутаман”, деган сўзлар билан биродарлигини изҳор этиши лозим.

Мана шу дўстликдан уни унга севимли исмлар билан чақириш ҳисобланади. Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу айтдилар: “Учта хислат сенга биродаринг дўстлигини мусаффо этади: унга муноқот қилсанг, салом беришинг, мажлисда ўтиришдан унга жой кўрсатишинг ва уни унга маҳбуб бўлган номлар билан чақиришинг”.

Шу жумладан, унга яхши сўзлар айтиш билан уни мадҳ этишинг ва унинг чиройли аҳволларини кимнинг олдида мақталишини хоҳласа, ўша ерда уни мақташинг керак. Шунингдек, унинг фарзандлари, аҳлу аёлини ва қилган ишларини мадҳ этиш, унинг хулқ-одобини ва ақлу-заковатини, ташқи қиёфасини, хатини, тасниф этган китобларини, қўй-чи, уни хурсанд этадиган нарсалар билан чегарадан чиқмай ва ёлғон ишлатмай мадҳлаш лозим.

Шу каби ким уни мадҳ этган бўлса, хурсандчиликни изҳор этиш билан унга етказиш лозим, ундан бу мадҳни беркитиш айни ҳасад бўлиб ҳисобланади. Яна сенга қилган яхшиликларига раҳмат айтишинг ва агар унинг ёиблигида унга бир ёмонлик қасд этилса, уни бартараф этишинг ҳам лозим, биродарнинг ҳимоясида ва унга ёрдам беришда енг шимариб ҳаракат этишлик биродарлик ҳаққи бўлиб ҳисобланади.

Саҳиҳ ҳадиси шарифда воридким: “Мусулмон мусулмонга дўст-биродар, унга зулм ҳам этмайди ва уни ўз ҳолига ташлаб ҳам қўймайди”. Имом Муслим Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят этган ҳадиснинг бир қисмидан олинди. Биродари ор-номусини ҳимоя этишдан бепарво бўлиш уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш бўлади.

Бу бобда икки ўлчовни тақдим этамиз:

1. Биродаринг тўғрисида айтилган нарсани тақдир этасан. Сенинг ҳозирлигингда сенинг ҳақингда бир сўз айтилди, бас, ўзинг яхши кўрган нарсани (у айтишни) сен айтасан.
2. Сенинг ҳақингда айтилаётган сўзни биродаринг девор ортида туриб эшитди, деб тақдир этишинг. Унинг ҳузурида унга ёрдам беришга қалбинг

қанчалик амр этса, унинг ғоиблигида ҳам унга шундай ёрдам қўлини узатишинг. Кимки ўз дўстлигига ҳақиқий мухлис бўлмапти, у мунофиқдир. Шунингдек, биродарга таълим ва насихат бериш, биродарингизнинг илмга ҳожати мол-дунёга бўлган эҳтиёжидан оз эмас. Агар сиз олим бўлсангиз, унга ҳамдард бўлиб, тўғри йўлга иршод этинг.

Биродарга насихатингиз (яширин) бўлиши лозим. Танбеҳ ва насихат ўртасидаги фарқ - очик ва равшан этишдир, чунончи мураса билан тилёғламалик қилиш ўртасидаги фарқ шуки, агар сиз динингизни сақлаш учун уни ўз ҳолига ташлаб қўйсангиз ва ундан кўз юмишингиз билан биродарингиз аҳволи солиҳ (яхши) бўлганини кўрсангиз, сиз у билан (мудора) мураса этган бўласиз. Агар сиз ўзингизни бахту-саодатингиз учун ва истаган нарсангизга етишиш ва мансабингизни сақлаб қолиш йўлида ундан кўз юмадиган ва уни ўз ҳолига ташлаб қўядиган бўлсангиз, бас, сиз ҳақиқий тилёғламачисиз. (Аллоҳ сақласин.)

Яна шу қабилдагилардан - хатоларни авф этиш. Агар биродарингиз хатоси динида бўлса, имкони борича насихат этишда лутф кўрсатасиз. Уни койиш ва унга насихат этишдан тўхтамайсиз. Агар бош тортса, жиддий ва талабчан бўлинади.

Бешинчи ҳаққи - биродарга унинг ҳаётлиги ва вафотидан кейин ҳам ўзига қилган барча дуолар билан дуо этиш. Имом Муслимнинг Абу Дардодан ривоят этган муфрад ҳадисларида Пайғамбар алайҳиссалом марҳамат қилиб бундай дедилар: “Мусулмон кишининг ўз биродарига ғойибона этган дуоси мустажоб. Унинг бошида муаккал (вакил) этилган фаришта ҳар вақт у биродарига яхшилик билан дуо қилса, “Омин (қабул эт) ва сенга ҳам шу бўлсин”, деб айтади”. Абу Дардо розийаллоҳу анҳу жуда ҳам кўп ёру-биродарларининг номларини бирма-бир айтиб дуо этардилар. Имом Аҳмад саҳар вақтида олти нафар киши исмларини зикр қилиб дуода бўлардилар.

Аммо биродарнинг вафотидан кейин унга дуо этиш тўғрисида Амру ибн Ҳурайс бундай деб айтган: “Агар банда вафот этган биродарига дуо қилса, бир фаришта бу дуони унинг қабрига олиб келади ва айтади: “Эй қабрнинг ғариб соҳиби! Бу сенга шафқат этган биродардан ҳадя”.

Олтинчи ҳаққи - вафо ва ихлос кўрсатиш. Вафонинг маъноси - вафот этгунга қадар биродарга ва унинг вафотидан кейин унинг фарзанд-у дўстларига ҳам муҳаббатда собит давом этишдир. Дарҳақиқат, Пайғамбаримиз алайҳиссалом бир кампирни икром қилиб бундай дедилар: “У хотин Хадича замонида бизларникига келиб-кетиб турарди. Ҳақиқатдан ҳам аҳдига чиройли вафо этиш иймондандир”. Ҳоким ҳазрат Оишадан ривоят этган ва икки шайх шартларига кўра саҳиҳ ҳадис, деб айтилган.

Биродарига тавозеъ этишда ҳеч бир ўзгармаслик ҳам вафодан бўлиб ҳисобланади. Агар обрўси кўтарилиб, нуфузи кенгайиб ва мансаби улуғ бўлса ҳам, бир равишда бўлиши лозим.

Билинг! Динга хилоф этадиган нарсада биродарга мувофиқ бўлиш вафодан эмас. Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳ Муҳаммад ибн Абдул Ҳакамнинг биродарлари эди. Уни ўзларига яқин тутар ва унга иқбор этардилар. Имом Шофеъий ҳазратларининг вафотлари яқинлашганда у зотга қарата: “Эй Абу Абдуллоҳ (Шофеъийнинг кунялари), сиздан сўнг кимнинг мажлисида ўтирайлик?” деб айтишди. Шунда Имом Шофеъийнинг бош тарафларида турган Муҳаммад ибн Абдул Ҳакам бошини юқорироқ кўтариб ўзига ишора этди. Имом Шофеъий жавоб бериб бундай дедилар: “Абу Яъқуб Бувайтийнинг мажлисига боринглар”. Бундан Муҳаммад қаттиқ умидсизликка тушди, ваҳоланки у Имом Шофеъий мазҳабларини ўзларидан олган эди. Аммо Бувайтий ҳам шогирдларидан бўлиб, зоҳидлик ва парҳезкорликка яқин эдилар. Имом Шофеъий ҳазратлари мусулмонларга насиҳат этдилар ва уларни тилёғламачилик, хушомадгўйликни ташлашга даъват этдилар. Шундан сўнг Ибн Абдул Ҳакам мазҳабини ўзгартирди ва Имом Молик асҳобларидан бирига айланди.

Яна вафо этишдан бири дўсти тўғрисидаги ёмон хабарларни эшитмаслик ва биродарининг душмани сўзини тасдиқламаслик.

Еттинчи ҳаққи – енгилликни иташ, такаллуф ва таклиф-сермулозаматни тарк этиш. Бу биродарини машаққатга соладиган нарсага таклиф этмасликдир, балки унинг муҳим ишлари ва ҳожатларидан кўнглини шод этади. Дўстининг мансабидан ва мол-дунёсидан фойдаланмайди. Уни ўзининг аҳволидан хабардор бўлишга, ҳуқуқларини адо этишга ва уни ҳурмат қилиб, унга тавозеъ қилишга таклиф қилмайди. Балки унинг қасди ягона Аллоҳнинг йўлида уни дўст тутиши, дуоси барокатини ва мулоқотидан бахраманд бўлишни, динга ёрдам беришни, унинг ҳуқуқларини бажариш орқали Аллоҳ таолога яқин бўлишни умид этишдир. Биродари ўзидан уялмайдиган нарсаларда ундан ҳаё этмаслиги учун камтарлик бисотини йиғиштириш енгилликнинг энг юқори камолотидир. Жаъфар ибн Муҳаммад айтди: “Менга машаққат этувчи ва мен ундан эҳтиёт бўлувчи одам менинг энг оғир биродаримдир”.

Баъзи ҳукамолар деди: “Кимнинг оғирлиги бўлмаса, улфатлик-дўстлиги давом этади. Бу ишнинг энг юқориси дўстларингни сендан кўра фазилатли деб кўришинг, ўзингни улардан хоксор тутишинг, ўзингни уларнинг ходими деб билишинг”.

ФАСЛ

Бу бобнинг охирида халқ учун мушарат одобларидан бир қанчасини зикр этамиз: кибрдан холи бўлган ҳолда виқорли ва хорликсиз тавозуда бўлиш, дўст ва душманга бир юз билан, ҳеч бир лаганбардорликсиз ва қўрқитмаслик билан муомала қилиш, мажлисда (ўтирилган ерда) бармоқларни бир-бирига киритишдан эҳтиёт бўлиш, бармоқларни бурунга тиқмаслик, кўп тупурмаслик ва зиёда эснамаслик.

Сенга ким сўзласа, уни эшит, қайтаришни сўрама. Фарзандинг, жориянгдан ажабланганинг ҳақида ҳеч гапирма. Хотинларга ўхшаб безанма. Қул каби исрофгар, совуққон ва бепарво бўлма. Аҳли аёлингни куч ишлатмай қўрқит, уларга заифликни билдирмай мулойим бўл, жориянг ва қулинг билан ҳазиллашма, бас, вақорлигинг кетади. Ортингга кўп қарайверма. Султон билан ўтирма. Агар унинг мажлисида бўладиган бўлсанг, гуноҳ ва ғийбатлардан эҳтиёт бўл ва унинг сир-асрорларини сақла. Унинг ҳузурида ҳазиллашма, жиддий бўл. Унинг ҳузурида кекириш ва тиш ковлашдан сақлан. Агар сени ўзига яқин тутса, ундан эҳтиёт бўл. Ўзидан узоқлаштирса (эрк берса), сенга тескари бўлишидан омон бўлмайсан. Унга ёш болага қилганингдек меҳрибон бўл. У хоҳлаган нарсани сўзла. У билан аҳли ва мулозаматлари, хизматкорлари ўртасига кирма. Офият дўстидан огоҳ бўл. Мол-дунёингни ор-номусингдан мукаррам (муқаддам) билма! Агар бир мажлисга кирсанг, бас, тавозуликка яқин бўлган жойда ўтир (тепага – юқорига чиқиб олма... – тарж.). Йўл устида ўтирма, агар ўтириб қолсанг, кўзингни ҳаром этилган нарсалардан юм! Мазлумларга ёрдам қил! Адашганларни тўғри йўлга солиб қўй! Қибла томонга ва ўнг тарафингга туфлама! Аммо чап томонинг ва оёқ остингга туфласанг бўлади. Авом билан ўтиришдан эҳтиёт бўл. Агар улар билан ўтирсанг, ахлоқлари ёмонлигидан бўладиган нарсалардан ўзингни ғафлатга сол ва улар билан баҳслашиб сўзлашишни тарк эт. Улар билан кўп ҳазил-мазах бўлишда эҳтиёт бўл! Чунки ақлли одам мазахда сенга ҳасад этади ва беақл-аҳмоқ ҳазил билан сенга тез журъат қилади. (Минҳожул қосидийн)